

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ  
ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ТАРИХ ИНСТИТУТИ

---

*ЖАНГЧИЛАР КУТУБХОНАСИ*

УЙҒУН

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ**

---

ЎзФАН НАШРИЁТИ — ТОШКЕНТ — 1942

Мас'ул муҳаррир *Ойбек*

---

Р. 9458. Босишга ижозат берилди 28/IX. Тиражи 3000. Уч.-авт. листи 1,07. Босма листи 0,75. Бир босма листида 59550 ҳарф. Баҳоси 50 т.

---

Тошкент — 1942. ЎзФАН Нашриёти босмахонаси. Заказ № 415

## СЎЗБОШИ

Чирик мияли аблаҳ фашистлар орий ирқидан бўлак халқлар маданий бойлик яратишга қобилиятсиз деб вайсайдилар. Бу ахмақона сафсатанинг ҳақиқат ва турмуш блан ҳечқандай алоқаси йўқдир. Дун'ёнинг барча халқлари ҳам маданий бойлик яратишга қодир ва яратганлар. Кишилиқ маданияти бутун халқларнинг ўртоқ ижодидир. Бу маданиятга ҳарбир халқ ўз ҳиссасини қўшган.

Бизнинг совет халқлари, шу жумладан ўзбек халқи ҳам кишилиқ маданиятини яратишда иштирок қилган ва қилмоқдадир. Буюк рус халқи дун'ёга Толстой, Горький, Пушкин, Лермонтов, Гоголь каби доҳий ёзучилар, Ломоносов, Менделеев, Павлов каби зўр олимлар, Чайковский, Глинки каби буюк композиторлар берган. Грузин халқи Шота Руставели каби, украин халқи Тарас Шевченко каби, озарбайжон халқи Низомий каби, ўзбек халқи Навоий каби зўр сан'аткорларни етиштирган.

Бу ҳол фашистларнинг тутуриқсиз, бема'ни талвасасини кулпарча қилади.

Биз бу асарчада, жангчиларимизни буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди блан қисқача бўлсада таништирмоқчимиз. Чунки Навоийнинг кўп фикрлари ҳозирги давримиз блан оҳангдошдир. Навоий ўзбек классик маданиятининг, ўзбек классик адабиётининг энг порлоқ намояндаларидан биридир. Ўзбек халқининг ўтмиш маданияти ва унинг Навоий каби вакиллари блан танишиш қаҳрамон жангчиларимиз учун кўп фойда беради.

*ИНСТИТУТ*

Алишер Навоий буюк ўзбек шоири ва мутафаккири-дир. У XV асрнинг иккинчи ярмида яшади ва ижод этди.

XV асрнинг иккинчи ярми юз йилдан ортиқ давом этган Темур ва темурийлар даврининг сўнгги палласи эди. Бу давр катта қарама-қаршилиқлар билан тўла бир даврдир. Бу даврда бир жиҳатдан, XIV асрнинг иккинчи яримларида Темур томонидан қилич ва қон билан барпо қилинган улуг бир давлат борган сари емирилиб бормоқда, майдаланмоқда, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тушкунлик кучаймоқда эди; иккинчи жиҳатдан эса, Темур даврида бошланган ва унинг набираси буюк олим Улуғбек томонидан тараққий қилдирилган маданият борган сари юксалмоқда, балоғатга етмоқда эди. Бир жиҳатдан, шахзодаларнинг мамлакатни барбод қиладиган ўзаро жанжаллари, урушлари кескин тус олмоқда, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига зўр бузғунлик келтирмоқда, кенг халқ оммасининг бошига оғир фалокатлар солмоқда; иккинчи жиҳатдан, дастлаб Самарқанд, сўнг Ҳирот дунёнинг маданий марказларидан бирига айланмоқда эди. Бир жиҳатдан, диний таассуб, феодал реакцияси кучаймоқда, иккинчи жиҳатдан эса илм, адабиёт, сан'ат гулламоқда эди. Алишер Навоий шу даврда яшади ва ижод этди.

Алишер 1441 йил 18 февральда Ҳирот шаҳрида туғилди. Унинг отаси Ғиёсиддин Кичкина темурийлардан бўлган Абулқосим Бобирнинг саройида хизмат қилар эди. У, Хуросоннинг кичик шаҳарларидан Сабзаворга ҳоким бўлиб турган. Умуман Алишерлар оиласининг темурийлар оиласи билан яқиндан алоқаси бор эди. Улар бир-бирларига сут қариндош эдилар. Алишернинг бувилари ва онаси темурийларнинг болаларини эмизганлар, уларга энага бўл-

ганлар. Бу ҳол Алишернинг шаҳзодалар блан бирга тарбияланишига сабаб бўлди. Саройда болаларнинг тарбияси эронли муаллимлар ва мураббийлар қўлида эди. Болалар ёшлигидан бошлаб эрон маданияти руҳида тарбияланар, форс тилини ўрганар, форсча китоблар ўқир эдилар. Шунга кўра ҳам Алишер жуда ёшлигидан форс тилини ўрганади. Форсча шеърлар ўқийди, ёдлайди.

Навсийдаги зўр талант, у ҳали жуда ёш, гўдак бўлган чоғларда ҳам юз кўрсатар эди. 4—5 ёшларида форсларнинг машҳур шоирларидан бўлган Қосим Анворнинг:

„Риндему, ошиқему, жигарсўзу, жомачок  
Бо давлати ғами ту, зификри жаҳон чибок“<sup>1</sup>.

деган байтини ёд билган, катталарга айтиб бериб, уларни ҳайратга солган Алишер, ўз тенглари орасида ажралиб турар ва бу ҳодиса келажакда буюк сан’аткор бўладиган Алишернинг фавқулодда қобилиятидан хабар берар эди.

Алишернинг ўқишга бўлган ҳаваси жуда эрта бошланади. У ҳали олти ёшлик гўдак экан, ўзининг келажакдаги подшоси Хусайн Бойқаро блан бирга мактабда ўқир эди. Алишер ўқишнинг дастлабки йилларидаёқ ўзининг гоят зийрак, зеҳник эканини кўрсатади. Аммо унинг ўқиши 1449 йилда Алишерлар оиласининг Ҳиротдан Ироққа кўчиб кетиши блан бўлиниб қолади. Алишерлар оиласининг Ироққа кўчишига сабаб, Темурнинг ўғли Шоҳрух мирзо ўлгандан кейин бошланган ўзаро урушлар эди. Лекин кўп ҳам ўтмай, 1450 йилда мамлакатда яна тинчлик ўрнатилади, шундан сўнг Алишерлар оиласи Ироқдан Хуросонга қайтади ва Алишер яна ўқишни давом эттиради. Алишер улғайган сари, унинг ўқишга бўлган ҳаваси тобора ортаборади. У ҳамма илмларни, айниқса, адабиётни жуда севиб ўқийди, ўрганади. У катта қизиқиш блан адабий асарларни, буюк шоирларни мутолиа

---

<sup>1</sup> „Дарвешлармиз, ошиқлармиз, жигари куйган, тўни йиртиқлармиз. Сенинг учун ғам чекиш давлати турганда жаҳон тўғрисида ўйлаш нимага керак“.

қилишга киришиб кетади. У ўзининг „Муҳокаматул-луғатайн“ деган асарининг бир ерида: „Девонлардан бу фақир ўқишга кўп машғул бўлмаган девон оз экан“ деб ёзади. У адабий асарларни оддий бир ўқучи сифатида эмас, балки сан’ат ва адабиётга катта муҳаббат қўйган, уни жонидили билан севган бир ошиқ сифатида ўқир эди. У, бир асарни бирнеча мартаба ўқир, ҳатто тамом ёдлаб олар эди. Масалан, Алишер форс шоирларидан Фаридиддин Атторнинг „Мантиқут-тайр“ („Қуш тили“) номли асарини бошдан-оёқ ёд билар эди. Ҳатто, бу китобнинг таъсирига қаттиқ берилиб кетиб, уйин-кулгини тамом унутган ва болалар билан аралашмай қўйган эди. Бу ҳол Алишернинг ота-онасини ташвишга солади, улар, боламиз „савдойи“ бўлиб қолмаса эди, деб қўрқадилар ва Алишерга бу китобни ўқишни ман’ қиладилар. Аммо Алишер қулоқ солмайди, шундан сўнг унинг ота-онаси, Алишер „Қуш тили“ни кўчириб олган дафтарни йўқ қиладилар, улар, энди ўғлимизни бу хавfli ишдан қутултирдик, деб ўйлайдилар, аммо уларнинг бу ўйлари беҳуда эди. Алишер китоб бўлмаса ҳам, дафтарини олиб қўйган бўлсалар ҳам „Мантиқут-тайр“ ни ўқишда давом этади. Чунки у, бу китобни бошдан-оёқ ёд билар эди. Бу ҳол тасодифий бир ҳодиса эмас, балки Алишернинг ажойиб хислатларидан бири эди. У „Муҳокаматул-луғатайн“ да ўқиган китоблари ҳақида сўзлаб келиб: „Барчасин кўб қатла ўқибмен, балки кўпини ёд тутубмен ва қасидалар ва ғазалларнинг ажойиб ва яхшиларини билибмен... Йигитлигим замонида кўбрак ше’рда сир қилучи шоирларнинг ширин ше’рлари ва чиройлик байтларидан эллик мингдан ортуқ ёд тутубмен“, дейди. Эллик минг байт, я’ни юз минг мисрадан ортиқ ше’рни ёд билиш, Навоийга ўхшаш қобилияти жуда баланд, зийрак кишилар учунгина муяссар бўладиган бир ҳодисадир.

Навоий бадий асарларга қанчалик муҳаббат қўйган ва уларни қанчалик ҳавас ва қунт билан ўрганган бўлса, ма’навий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ҳам шунчалик му-

ҳаббат ва ғайрат блан ўрганди. У тарих, музика, медицина, фалсафа илмларини, математика, астрономия сингари фанларни катта ҳавас блан ўқиди. У, ўз замонининг машҳур музикашуноси Хўжа Юсуф Бурҳондан музика дарси ўқийди. У, ўз замонининг энг олдинги олимлари, шоирлари, музикачилари, рассомлари блан яқиндан танишадди ва ўзининг қобилияти блан уларнинг муҳаббатига сазовор бўлади.

Алишер ёшлигидан бадий асарларни мутолиа қилиш, ўрганиш блан бирга, ўзи ҳам ёзишга киришади. Унинг дастлаб қачон ёзабошлаганини айтиш ҳозирча қийин, аммо шу нарса муҳаққақки, у жуда ёшлигидан ёзабошлаган. Навоийнинг ўз сўзига кўра „Чордевон“ нинг биринчи девони бўлган „Ғаройибус-сиғар“ („Болалик қизиқликлари“) га унинг болалик чоғларида ёзган шеърлари тўпланган.

Алишер 15 ёшар бола экан, Хуросон подшоси Абулқосим Бобирнинг хизматига киради (1456 йил) ва шу вақтда Абулқосим Бобирга атаб шеърлар ёзади. Сайат ва адабиётни севган, ўзи ҳам шеърлар ёзадиган Абулқосим Бобир, бу, болалик шеърларда катта талант эгасини кўради, ёш шоирга алоҳида аҳамият беради ва катта илтифотлар кўрғазади. Алишер шу вақтларданок замонасининг шоирлари, санаткорлари орасида танилабошлайди. Алишер шу вақтлардаёқ арабча, форсчани мукаммал эгаллаган ва бу тилларда ҳам шеърлар ёзар эди. У форсча шеърларига „Фоний“, ўзбекча шеърларига „Навоий“ деб имзо қилар эди. Ёш Алишер тарафидан форсча ва ўзбекча тилларда ёзилган ажойиб шеърлар, замонасидаги катта шоирларнинг диққатини ўзига тортади ва улар бу ёш талантга катта муҳаббат блан қарайдилар. Алишернинг шуҳрати халқ ўртасида тез тарқалабошлайди. Унга „Зуллисонайн“ („икки тил эгаси“) лақабини берадилар.

1457 йили Абулқосим Бобир ўлади. Илгаридан Абулқосим Бобир блан тахт талашиб келган Самарқанд подшоси Абусаид мирзо, Бобир ўлгач, тездан Хуросонга юриш қилади ва Хуросоннинг пойтахти бўлган Ҳирот шаҳрини эгаллай-

ди. Бу вақтда Навоий Машҳадда яшайди. Бу ерда у, ўз илмини ошириш устида ишлайди. Ва шу блан бирга ижодий ишларини ҳам давом эттиради. Алишернинг жозибадор, мазмунли, сан'аткорона ёзилган ше'рлари Машҳаддаги шоирларнинг ҳам диққатини ўзига тортади. Кўп катта шоирлар у блан танишиш орзусига тушадилар ва танишадилар. Алишер блан шоир Шайх Камол Турбатийнинг танишиши жуда мароқли. Бир кун Алишер Машҳадда касал бўлиб ташландиқ бир ҳужрада тинҳо ётар эди. Қурбон ҳайити муносабати блан Машҳадни зиёрат қилиш учун келган кишилардан бир тўдаси мусофирлар турган ҳужраларни айланиб юриб, Алишер ётган ҳужрага ҳам кирадилар. Кирганлар бу ҳужранинг деворига ёзилган бир байт ше'р устида тортишиб қоладилар. Охири уларнинг орасидаги бир улуг киши ўз фикрини айтиб, бошқаларни енгади. Шунда бир чекада ётган Алишер енгилган тарафга қўшилади. Тортишув яна кучаяди. Охири касал йигитнинг сўзи ҳаммага ма'қул бўлгач, ҳалиги улуг киши ҳам ўз фикридан қайтиб, унинг фикрига қўшилади. Бу киши ўз замонасининг отоқли шоирларидан бўлган Шайх Камол Турбатий эди. Шайх Камол ёш йигитнинг ким эканини суруштириб билгач, ғоят хурсанд бўлади ва Алишер блан кўпдан танишмоқ орзусида юрганини сўзлайди. Навоий ўша замоннинг машҳур шоирларидан бўлган Хўжа Муҳаммад Астрободий блан ҳам шу равишда танишади. Бу танишувлар ёш Навоийнинг фикрий ўсишларига, ижодига катта та'сир кўрғазади.

Алишер 1464 йилда Машҳаддан Ҳиротга қайтиб келади. Алишер Ҳиротда ҳам энг яхши олимлар, шоирлар, сан'ат арбоблари блан яқиндан танишади, уларнинг суҳбатларига иштирок қилади ва кўп манфаатлар олади. Шоирлар, олимлар Алишерни севадилар, ҳурмат қиладилар. Аммо бу вақтда Ҳирот тахтида ўтирган Абусаид мирзо, Алишерга сра ҳам илтифот кўрғазмайди. Бунга сабаб, Алишернинг тоғалари бўлган шоир Мирсаид Кобулий ва шоир Муҳаммад Алиларнинг 1457 йилларда Абу-



саид мирзога қарши бўлган курашда Хусайн Бойқарога ёрдам беришлари эди. (Буларнинг иккаласи ҳам, кейинчалик Абусаид мирзо томонидан ўлдирилган). Бунинг устига Алишер, Абусаиднинг душмани бўлган Хусайн Бойқаро блан мактабдош ва яқин эди. Сўнгра Алишер Абусаидга душман бўлган бадахшонлилар блан ҳам дўстона муносабатда бўлади. Мана буларнинг натижасида Абусаид Навоийга ёмон назар блан қарар эди. 1465 йилда Ҳиротга қарши бош кўтарган бадахшонлилар қўзғолонида Алишернинг ҳам иштироки бор, деган шубҳа блан, Абусаид мирзо 1466 йили уни Самарқандга сургун қилади ва унинг устидан назорат қилиб туришни Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибекка юклайди. Хуросонда ўқиган, малумотли, маданиятли ва асосан ҳарбий киши бўлишига қарамай, адабиёт блан ҳам шуғулланадиган Аҳмад Ҳожибек, Навоийга нисбатан дўстона муносабатда бўлади, у ва дарвеш Муҳаммад Торхон Алишерни моддий жиҳатдан қўллаб турадилар. Чунки Алишер Самарқандда моддий жиҳатдан го-ят қийналган, ўқишини ва ижодий ишларини оғир моддий шароитлар ичида давом эттирар эди.

Алишер Самарқандда замонасининг катта олими Хўжа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абуллайсининг мадрасасидан жой олишга муваффақ бўлади ва шу олимдан икки йил дарс олади.

Алишер Самарқанд шоирлари блан ҳам дарров танишади. Уларнинг адабий суҳбатларига иштирок қилади. Суҳбатдошлар Алишернинг фикрларини диққат блан эшитар ва унинг ақлига, зеҳнига, қобилиятига қойил бўлишар эдилар. У, катта шоирларнинг шеърларидаги нуқсонларни кўрсатар ва тузатар эди. Умуман Алишер бу вақтларда ўз замонасининг илм-фанини тўла эгаллаган, араб ва юнон фалсафалари блан мукаммал танишган, гоёвий ва назарий жиҳатдан вояга етишиб қолган олим ва шоир сифатида эътироф қилинар эди.

1469 йилнинг бошларида Абусаид мирзо ўлади ва шу йили март ойида Хусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгал-

лайди. Бу хабарни эшитган Алишер энди сургундан қайтаолишига ишонади ва Аҳмад Ҳожибекдан Ҳиротга қайтиш учун рухсат сўрайди. Аҳмад Ҳожибек рухсат беради.

Алишер 1469 йил апрельнинг бошларида Ҳиротга келади ва Хусайн Бойқарога, унинг тахтга чиқишига бағишланган, „Ҳилолия“ номли қасидасини\* тақдим қилади.

Хусайн Бойқаро эски дўсти Алишерни яхши қарши олади, уни ўз саройига тортади ва унга муҳрдорлик вазифасини беради. Шу вақтдан бошлаб Алишернинг ҳаётида, ижодида ва фаолиятида янги бир давр бошланади. У энди фақат шоир ва олимгина эмас, балки давлат арбоби, сиёсат кишиси сифатида ҳам иш кўра бошлайди. Алишер кўп ҳам ўтмасдан давлат ва мамлакатни идора қилиш соҳасида тез обрўй қозонади. У, мамлакат ва халқнинг манфаати учун тинмай ишлаш натижасида мамлакатнинг илғор кишилари ва халқнинг ҳурматига сазовор бўлади. Бу вақтлардан бошлаб Алишер ўзининг бутун ижодий, илмий, сиёсий ишларини мамлакатни гуллатиш, халқнинг оғир аҳволини яхшилаш йўлига сафарбар қилади. У, давлат ишларига аралашгач, бор кучини мамлакатни тинчитиш ишига беради. Чунки Хусайн Бойқаро Ҳирот тахтига ўтиргандан кейин ҳам Темур шаҳзодаларининг тахт учун бўлган курашлари, урушлари тўхтамаган ва бу ўзаро урушлар ҳамон мамлакатни хароб қилишда давом этар эди. Навоий эса, мамлакатда тинчлик ўрнатиш учун, мамлакатдаги бош-бошдоқлик битиши керак, бутун ўлка адолатли ва маърифатли бир шоҳнинг қўл остида бўлиши лозим, деб ўйлар эди. Ва бундай шоҳ бўлиш учун Темур шаҳзодалари орасида энг муносиби Хусайн Бойқаро, деб билар эди. Шунинг учун ҳам Навоий Хусайн Бойқаронинг бошқа шаҳзодаларга қарши олиб борган курашида унга катта ёрдам беради. Хусайн Бойқаро давлатнинг маҳкам ва барқарор бўлиши йўлида ҳарақат қилади.

1469 йилнинг кузида, Астрободда шаҳзода Ёдгор Му-

---

\* Қасида—бирор кишини мақтаб ёзилган шеър.

ҳаммад Хусайн Бойқарога қарши ис'ён кўтаради. Хусайн Бойқаро Ёдгор устига қўшин тортади. Аммо йўлдан қўшинни Астрободга жўнатиб ўзи Ҳиротга қайтади. Ёдгор Хусайн Бойқаро қўшинини енгади. Бу ҳодисадан ғазабланган Хусайн 1470 йилнинг март ойларида Ёдгор устига янги қўшин тортади. Хусайннинг бу юришларида Алишер ҳам бирга бўлади. Душманни қандай қилиб енгиш тўғрисида чуқур ўйланган тадбирлар, йўллар кўрсатади. Хусайн Бойқаро Ёдгор Муҳаммад қўшинларига шикаст етказиб, шу йилнинг июнь ойларида Ҳиротга қайтади, аммо бу ердаги қўшин бошлиқларининг хиёвати орқасида, Хусайн Ҳиротни ташлаб чиқишга ва Фороб<sup>1</sup> томонларга қочиб кетишга мажбур бўлади. Ёдгор Муҳаммад Ҳиротга илдам етиб олиб, Хуросон тахтини эгаллайди. Тожу-тахтдан ажралган Хусайн Бойқаро бир кун Алишерни яширин ўз ёнига чақириб, унга Ёдгорбек устига тўсиндан босқин ясамоқ фикрида эканини айтади. Навоий Хусайннинг фикрини ма'қуллайди. Аммо Хусайнга ўз фикрини го'ят яширин сақлашга, ҳечкимга айтмасликка маслаҳат беради. Ҳатто, у: „Агар бу сўз менга ҳам айтилмаса яхшироқ бўлар эди“, дейди. Навоийнинг бу қадар эҳтиёт бўлишидан таажжубланган шоҳ, бунинг сабабини сўраганида, Навоий, муваффақият қозониш учун, ҳарбий сирни го'ят яширин сақлаш зарурлигини айтади. Навоийнинг маслаҳати Хусайнга мақбул бўлади. У ва Навоий махфий равишда тайёрлик кўрадилар. Ниҳоят, қўққисдан Ҳирот томонига юриш бошлайдилар. Хусайн Бойқаро ўзининг яширин ниятини давлат арбобларига ва лашкарбошиларга Лангарбўконга<sup>2</sup> етгандагина айтади. Ҳамма шоҳнинг фикрини қувватлайди. Сўнг Ёдгорбекка қандай қилиб ҳужум қилиш тўғрисида маслаҳат мажлиси бўлади. Ба'зилар „Зоғон“ боғига туш вақтида, аскарлар дам олаётган пайтда бостириб киришни таклиф қиладилар. Алишер эса: „Энг яхшиси боққа

1 Фороб—Хуросон шаҳарларидан бири.

2 Лангарбўкон—Ҳиротга яқин бир бекат.

кечаси киришдир: чунки кундузи бўлса Мирзо Муҳаммад Ёдгорнинг одамлари бизнинг ҳужум қилишимиздан хабардор бўлиб қолиб, тезлик блан тайёрлик кўриши ва бизнинг эса ишни қўлдан бериб қўйишимиз эҳтимолдан узоқ эмас. Душманлар кечаси бизнинг ҳаракатимиздан хабардор бўлганларида ҳам уларнинг тўпланаолишлари ақлдан жуда узоқдир. Иккинчидан, бизнинг мақсадларимиз юзага чиқмаган тақдирда, қоронғидан фойдаланиб, бир томонга чекиниш мумкин бўлади“, дейди. Шоҳ Алишернинг фикрини қувватлайди. У, қўшини блан тунда Ҳиротга киради. Лекин Ёдгор Муҳаммаднинг саройига бостириб киришга талабгор йўқ. Шунда Алишернинг ўзи, ёнига икки навкарни олиб, қал’ага киради ва маст уйқуда ётган Ёдгорни қўлга олади. Шу равишча Алишернинг тadbирлари ва мардлиги натижасида, Хусайн қайтадан ўз тахтига эга бўлади. Бу воқиядан сўнг Хуросон қат’ий равишда Хусайн Бойқаро қўлига ўтади.

Навоий бу ишларни, мамлакат тинчирмекан, халқ озоишталик блан ўз тирикчилигига машғул бўлармекан, деган умидда қилади. Аммо Навоий яшаган даврларда юртни тинчитиш қийин гап, деярлик мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Хусайн Бойқаро ўзига қарши қўзғолон кўтарган вилоятлар, шаҳзодалар устига юришни давом эттириб туради. Хатто у, ба’зан ўз ўғилларига қарши қилч кўтаришга, ўз ўғилларининг, набираларининг қўзғолонларини босишга мажбур бўлар эди. Аммо Алишер ҳеч умидсизланмас, халқ, мамлакат манфаати учун ишлашни давом эттирар, қўлидан келганча зулмга қарши курашар, мамлакатда адолат ўрнатишга тиришар эди.

1470 йилда, Хусайн Бойқаро Ёдгор мирзога қарши қўшин торттиб Астрободга кетганида, Ҳиротда халқ қўзғолон кўтаради. Қўзғолоннинг сабаби феодал зулмининг ҳаддан ошганлиги, Ҳирот беклари тарафидан солинган ноҳақ ва оғир солиқлар эди. Бу воқияни машҳур тарихчи Абдураззоқ Самарқандий шундай ҳикоя қилади: Хусайн Бойқаронинг вазирлари Хўжа Убайдулло, Хўжа

Қутбиддин, Ҳожа Низомиддин Бахтиёрлар ўзаро келишиб, халққа катта солиқ солдилар. Бу солиқ, зулм ўти блан ёнган халқнинг кўксидан оҳу-фиғон тутунларини чиқарди. Фуқаронинг аҳзоли жуда оғирлашди. Бу зулмга қарши халқ томонидан қилинган шикоятларни ҳечким тингламади. Иш шу даражага етдики, жонидан тўйган халқ девон бошлиғига ҳужум қилиб, қўзғолон кўтарди. Бир кун қўлларига тош, фишт кўтариб катта ғовғо блан молия назорати биносига ҳужум қилдилар. Молия назорати бошлиқларидан Хўжа Абдуллоҳни ярадор қилдилар.

Бу қўзғолон хабари шоҳга эшитилгач, у ишни текшириш ва халқни тинчитиш учун Алишерни Ҳиротга жўнатади. Алишер Ҳиротга келгач халқни тўплайди, минбарга чиқиб шоҳнинг фармонини ўқиб эшиттиради. Фармонда халқ талабларидан бирмунчаси қувватланар ва бу талабларни тинчлик йўли блан ҳал қилиш лозимлиги айтилган эди. Алишер ишни текшириб, халқни тинчитгач, шоҳнинг ёнига қайтади, қилган ишларидан шоҳга ҳисоб беради ва халқни ҳақорат қилган, талаган ярамас амалдорлардан бирқанчасини жазолашни талаб этади. Бу талабга биноан шоҳ, кўзғолонга сабабчи бўлган вазир ва амалдорларни зиндонга солиш тўғрисида фармон чиқаради. Бу воқиядан сўнг Алишернинг халқ ўртасида обрўи жуда ҳам кўтарилиб кетади.

Навоий бундан сўнг ҳам, халқнинг бошига қора кунлар тушганда, шоҳ янги солиқлар блан уларнинг оғир аҳволини яна ҳам оғирлаштирганда, халққа ёрдам берар, унинг оғир аҳволини енгиллаштиришга тирришар эди. Навоий тўғрисида ёзилган „Макоримул-ахлоқ“ номли китобнинг автори Хондамир, ўз китобида шоҳнинг амалдорлари турли харажатлар сабабли халқ устига зўр маблағлар юкламоқчи бўлганларида, халқнинг ташвишли ҳолга тушмаслиги учун, у ақчаларни Навоий ўз томонидан тўлаб юборишини сўзлайди ва ўз сўзига далил қилиб бир воқияни келтиради. 1500 йилнинг бошларида Хусайн Бойқаро Мозандарон вилоятига борганида, ҳукумат эгаси

Амир Муборизиддин Валибек исмига Ҳирот шаҳри ва шаҳар агрофидаги халқдан зарур харажат учун юз минг танга ундириб етказиш ҳақида фармон юборади. Навоий бу фурсатда халқ устига ўринсиз солиқ солишни шоҳнинг давлатига муносиб кўрмайман, деб ўша солиқни ўзининг хусусий пулидан тўлаб юборади. Бунинг учун халқ Навоий ҳақида дуо қилиб, унга ҳисобсиз раҳматлар айтади.

Умуман Навоий, Хусайн Бойқаро саройига келгач, шоҳ тарафидан берилган ерлар, ҳад'ялар, ин'омлар ва отасидан қолган мирослар орқасида майдонга келган катта бойликларни ҳамавақт халқ ва мамлакат фойдасига сарф қилиб боради.

Навоий Хусайн Бойқаро ва бошқа шаҳзодаларга ёзган хатларида, бадий асарларида ҳам халқнинг манфаатини кўзлаш, мазлумларнинг додига етиш, адолат блан иш кўриш ҳақида кўп сўзлайди. Навоий, халқ, мамлакат бир боғ бўлса, шоҳ унинг боғбони бўлиши лозим, боғбон ўз боғини қандай обод қилса, ўз гулларини қандай парвариш қилса, подшо ҳам ўз мамлакатини шундай обод қилиши, ўз халқини шундай парвариш қилиши керак, дейди.

Навоий ўз сўзларини бекорга айтмас, балки айтган фикрларини амалга оширишга ҳаракат қилар эди. Шунинг учун ҳам у, бутун умрини, бутун кучини, бутун маблағини мамлакатни обод қилиш, мамлакатда илм ва сан'атни ривожлантириш йўлида сарф қилади. Навоий халқ фойдаси учун буюк ва гўзал мадрасалар, кутубхоналар, касалхоналар, ҳаммомлар, работлар, ҳовуз, кўприк ва бошқа бинолар солдиради. Ҳиротда Инжил дар'ёсининг ёқасида Ихлосия, Қудсия, Сафоия, Шифоия ва Унсия номли гўзал бинолар барпо қилади. Булардан Унсияда Алишернинг ўзи яшайди. Алишер у ерда мукамал бир кутубхона вужудга келтиради. Бу кутубхонадан ўз замонининг барча илм ва сан'ат арбоблари фойдаланадилар.

Навоий Хуросон ва Астробод йўлида Работи Ишқ, Тус

ва Ҳирот йўлларида Работи Сангбаст, Нишопур ёнида Диробод сингари карвонсаройлар солдирди.

Навоий қурдирган бу биноларнинг деярлик ҳаммаси ҳам шарқ архитектурасининг энг чиройли намуналаридан ҳисобланади эди.

Алишер сувсиз ерларга сув чиқариш учун ҳам катта аҳамият берди. У, Тус вилоятининг юқори томонида бўлган Чашмаи Гулистон булоғидан Манҳадга сув келтириш учун ўн тош келадиган ергача ариқ қазишга киришади.

Алишернинг буюк мақсадларидан бири, мамлакатда илм ва сан'атни ривожлантириш, уни халққа яқин қилишдан иборат эди. У, Ҳиротни катта маданий марказга айлантириш йўлида тинмай ишлайди. У, мамлакатнинг илғор кишилари билан доим яқин муносабатда бўлади. У, замонасининг энг олдинги ва таланти олимларини, шоирларини, музикашуносларини, архитекторларини, рассомларини ўз атрофига тўплайди. У, бошқа ўлкалардаги кузга кўринарли кишиларнинг деярлик ҳаммасини Ҳиротга келтиради. Уларни ҳартомонлама ҳимоя қилади, уларга моддий ва ма'навий ёрдамлар бериб туради.

Навоийнинг уйи доим маданий, адабий ва ижодий ишларнинг қайнаган маркази бўлар эди. Унинг уйига деярлик ҳар куни олимлар, шоирлар, сан'аткорлар тўпланар, адабий мажлислар, илмий мубоҳасалар, ше'рий мусобақалар қуришар эдилар. Олимлар, шоирлар, сан'аткорларнинг фикрий ва ижодий юксалишларига кўп ёрдам берган бу маданий ишларнинг тепасида Алишернинг ўзи турар эди. Ўзининг мислсиз бадиий асарлари билан ўқучиларнинг юракларини сийраган, ўзининг кенг, ҳарёқлама билими, ўткир ақли, ширин суҳбати ва хушмуомаласи билан кишиларни ҳайратга солган Алишер, олимлар, сан'аткорлар орасида зўр ҳурматга ва тенгсиз муҳаббатга эга эди. Улар Навоийни ўзларига устоз деб билар эдилар. Улар ёзган асарларини Навоийга олиб келишар, унинг ма'ноли маслаҳатларини катта мамнуният билан қабул қилишар эди. Навоий ўзининг „Муҳокаматул-луғатайн“ номли

асарида: „Ўттуз йилдан ортуқ ва қирқ йилга яқиндурки, Хуросон мулкининг жаами' ширин сўзли, ҳурматга лойиқ бўлган шоирлари нимаики ёзган бўлсалар, менинг суҳбатимга еткурур эдилар ва мен фақирдан ёзган нарсаларини ислоҳ қилишни илтимос қилур эдилар ва хотирга келган фикрларимни айтсам, инсоф юзасидан қабул қилар эдилар, агар ба'зилари сазл ибo қилсалар, далиллар блан хотирларини жам' этар эдим, шундан кейин фикримни қабул қилишиб, ўзларини мамнун ва шогирд билар эдилар“, дейди.

Навoий яхши иш қилган, яхши асар яратган кишиларга ҳад'ялар бериб, уларнинг кўнглини кўтарар ва уларни яна ҳам яхши асарлар яратишга рағбатлантирар эди. „Бадойиул-вақоий“ номли китобнинг автори Восифий ўз китобида, бир кун Алишер, замонининг отсқли артисти, ҳажвчиси Абдулвоси'нинг талантини тақдирлаб, уни ўвнинг танга пул, зийнатли эгар-анжомини блан бир от, энг яхши мовутдан тикилган чакман блан мукофотлаганини сўзлайди. Бундай ҳоллар жуда кўп бўлар эди. Буларнинг натижасида сан'аткорлар ўз ғамхўрларига ва ҳомийларига бўлган ҳурмат ва муҳаббатни яна ҳам оширар ва ижод қилган нарсаларини ҳарвақт Алишернинг исмига бағишлар эдилар. Заҳриддин Муҳаммад Бобир ўзининг машҳур „Бобирнома“сида, Алишернинг жуда кўп яхши нарсалар ихтиро' қилганини сўзлаб, ҳарким ҳар ишда янги бир нарса ижод қилса, у нарса тез ривожлансин учун, уни Алишерга нисбат берар эдилар, деб ёзади.

Навoий замонасида, унинг бевосита ёрдами, раҳбарлиги ва ҳимояси остида катта олимлар, ажойиб сан'аткорлар етишди. Бу даврда ше'р, тарих, медицина, ҳуқуқшунослик каби дун'ёвий илмлар яна ҳам илгари кетди. Хондамир, Мирхонд, Давлатшоҳ каби зўр тарихчилар, Беҳзод, Шоҳ Музаффар каби исти'додли рассомлар, усто Муҳаммад Сабзий, усто Кавомиддин каби кучли архитекторлар, Султон Али каби машҳур хаттотлар, Хусайн удий, Қулмуҳаммад найи каби буюк музыкантлар шу



даврда яшаб ижод этганлар. Навоийнинг ғамхўрлиги ва раҳбарлигида олимлар тарафидан йигирмалаб тарихий, илмий асарлар яратилди. Темур даврида бошланган маданий ҳаёт Навоий замонасига келиб ўзининг энг юксак чўққиларига кўтарилди. Бу порлоқ маданиятни яратишда Алишернинг хизмати ғоят зўр эди. Бугина эмас, балки замонасининг зўр олими, илғор мутафаккири, буюк шоири, улуг гуманисти бўлган Навоийнинг ўзи, бу гўзал маданиятнинг порлоқ юлдузи эди. Навоий ўзининг „Мажолисун-нафоис“, „Мезонул-авзон“, „Муншаот“, „Муҳокаматул-луғатайн“, „Маҳбубул-қулуб“ каби илмий, ахлоқий асарлари билан бу маданиятга дурдоналар қўшди. У, „Мажолисун-нафоис“ да, ўзидан илгари ўтган ва ўз даврида яшаган олимлар, шоирлар, тарихчилардан 413 тасининг таржимаи ҳоли, ёзган асарлари ҳақида қисқа-қиска малумот беради ва уларнинг ижодини қисқача таҳлил қилади. „Мезонул-авзон“да аруз вази, шеър техникаси ҳақида сўзлайди. „Маҳбубул-қулуб“да у, ўзининг жамиятга, гуруҳларга, ахлоқ ва сиёсат масалаларига бўлган қарашларини кўпроқ ифода қилади. Бу китобнинг учинчи қисмида тўпланган ажойиб афоризм ва мақоллар халқ орасида кенг равишда тарқалиб кетган эди. „Муҳокаматул-луғатайн“ да, Навоий, ўзбек тилини форс тили билан таққослаб туриб, ўзбек тилининг ҳам бошқа тиллар каби бой ва чиройлик бадиий асарлар яратишга қобил бир тил эканини исбот қилади.

Умуман Навоий ўзбек адабий тили, ўзбек адабиёти учун курашган ва уни юқори поғонага кўтарган бир сан'аткордир. Навоий ўзининг энг ажойиб шоҳ асарларини ўз она тилида ёзди ва бу билан, ўзбек тили қўпол, ўзбек тилида юксак адабиёт яратиб бўлмайди, деган кишиларнинг фикрларини пучка чиқарди. Чунки ўзбек тилида форс классик адабиёти, умуман жаҳон классик адабиёти билан бир қаторда тураоладиган зўр ва юксак асарлар яратди. Унинг беш дostonни ўз ичига олган „Хамса“си ва 47 минг мисра'ча ше'рдан иборат бўлган

„Чордевон“и шундай асарлардир. Навоийнинг бу шоҳона асарларини ўқиб, ундан туганмас лаззатлар, ма’нилар олган буюк сан’аткорлар, унинг ажойиб қобилиятига, зўр маҳоратига қойил бўлган эдилар. Навоий асрининг энг улуғ сан’аткорларида бўлган машҳур форс классик шоири Абдурахмон Жомий, унинг „Хамса“сига жуда катта баҳо берган эди. У, ўзининг „Искандарнома“ номли достонининг охирида Навоий „Хамса“си тўғрисида сўзлаб келиб дейди: „Турк тилида<sup>1</sup> ажойиб бир нақш (ғўзал асар) яратилдики, у зўр ва уста шоирларнинг лабларига муҳр босди. Ҳозиргача бўлган сиҳрловчи лаблар энди сўзламоқдан ожиз қолдилар. Ше’р дурларини назминига тизучилар, дур тизишда форс тилида кўп гавҳарлар бердилар. Агар сенинг „Хамса“нг ҳам форс тили билан айтилган бўлса эди, бошқаларга сўз сўзламоқ мажолли қолмас эди“.

Уша замоннинг энг кучли шоирларидан бўлган Лутфий, Алишернинг:

„Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, нихон бўлгач қуёш“

деб бошланган бир ғазалини ўқиб: „Агар мумкин бўлса эди, мен ўзимнинг форс ва турк тилларида айтган ўн икки минг байтимни шу ғазалга олмошар эдим ва шундай бўлган тақдирда ҳам ўзимни зўр мақсадга эришган ҳисоблар эдим“, деган. Уша вақтлардан тортиб то шу кунга қадар, беш юз йиллик бир давр ичида, Навоийнинг асарлари шундай юксак баҳони олиб келмоқда. Навоий ҳақиқатан ҳам шундай катта баҳога арзийдиган юксак бадиий асарлар яратди.

Навоий асарларида ўз замонининг энг илғор фикрларини ифода қилди. У, ўзининг энг юксак идеалларини ажойиб достонлари, оташин ғазалларида куйлади.

---

<sup>1</sup> У вақтларда ўзбек тили ҳам—турк тили деб оталар эди.

Навоий ижодининг марказида инсон ва унинг фа'олияти, орзулари, кураши, муҳаббати асосий ўринни ишғол қилади. Навоий инсон ва унинг фа'олиятига зўр муҳаббат билан қарайди. Бу ҳол унинг инсонпарварлигидан келиб чиқареди. У, ўз асарларида инсонни юксалишга чақиради. У, инсоннинг қадри-қимматини, ҳаққи-ҳуқуқини ҳимоя қилади. У, ўз асарларида халқнинг саодати ҳақида куйлайди. У, ўзининг бу идеалларини порлоқ образлар орқали ифода қилади. У, ўз достонларида Фарҳод, Ширин, Шопур, Навфал, Искандар каби ажойиб образларни яратиб, кишиларни шулардай бўлишга чақиради. Фарҳод—ақллилик, олимлик, ижодкорлик, ботирликнинг намунаси; Ширин—садоқат, вафодорликнинг тимсоли; Шопур—самимий дўстликнинг тисоли; Навфал—олижаноблик ва мурувватнинг намунаси; Искандар—ҳаққоният ва адолатнинг ўрнаги. Навоий бу ва буларга ўхшаш яна бирқанча юксак образларда, инсон қандай бўлиши керак, деган масалага жавоб беради. Навоий фақат бу йўл билан, я'ни ижобий образларни намуна қилиб кўрсатиш йўли билангина эмас, балки ёмон одамларни, улардаги тубан хислатларни қаттиқ танқид қилиш йўли билан ҳам кишиларни юксалишга чақирар эди. У, „Хамса“да Хисрав, Шерўя, Доро каби типларни яратиб, шафқатсиз, золим, таловчи, жоҳил, юзсиз, маккор шахсларни, ярамас кишиларни қаттиқ фош қилди. Навоий бировга қуллик қилучиларни, хушомадгўйларни, риёкорларни, тама'корларни, бурдсиз, қўрқоқ, сотқин кишиларни ёмон кўрди ва ўз асарларида улар устидан кескин ҳукмлар чиқарди. Унинг асарлари инсонлар учун лозим бўлган ахлоқий, мánфаатли хулосаларга гоят бойдир.

Алишернинг хотин-қизларга бўлган қарашлари, ундаги чуқур гуманизмнинг қанчалик мустаҳкам ва асосли эканини яна ҳам яхши очиб беради. Навоий учун эркак ҳам, аёл ҳам баббаробар. У, аёлларни ҳурмат қилади, кўкларга кўтаради. У, ўз асарининг энг порлоқ саҳифаларини аёлларга бағишлайди, у яратган зўр образларнинг кўпи аёллар. У, энг оташин ғазалларида аёлларнинг ажойиб

Ўйиб фазилатлари ҳақида куйлайди. Алишер учун аёл ҳамма нарсада ҳам — ақлда ҳам, севгида ҳам, ишда ҳам илму-камолда ҳам эрлар блан баробар. Алишернинг фикрига кўра, аёллар истаса мамлакатни ҳам идора қилаолади. У, ўзининг бу ажойиб фикрларини Ширин, Меҳинбону образида жуза чиройли ифода қилди. Ширин — ақлда ҳам, идрокда ҳам, севгида ҳам, садоқатда ҳам ўз севгилиси Фарҳодга тенг. Унинг аммаси ва Арманистон шоҳи бўлган Меҳинбону — ақлли, тадбирли бир аёл. у Арман мамлакатини тажрибали эркак ҳукмдордай яхши идора қилади, у халқ, мамлакат манфаати йўлида ишлайди, у, эриқлар қаздиради, сағойлар қуради, мамлакатни ташқи ёвдан сақлаб, босқинчи Хисравга қарши уришади.

Навоийнинг фикрига кўра, аёллар эркаклар сингари майдонда жанг ҳам қилаолади. Бунга мисол қилиб „Садди Искандарий“ достонидаги хитой қизини кўрсатиш мумкин. Бир вақт Искандар Мўр қабиласи блан жанг қилади. Шунда душманнинг бир ботири Искандар паҳлавонларининг кўпини ўлдиради. Бу ҳол Искандарни ташвишга солади. Шунда отлиқ ва ниқобдор бир йигит майдонга чиқиб, душманни асир олади. Искандар қизиқиб суриштирса, бу қаҳрамон „йигит“ уни севган бир хитой қизи бўлиб чиқади.

Шу равишда Навоий, фикр, хулқ жиҳатидан камолга етган аёллар образини яратди. Аёлнинг ҳуқуқлари поймол қилинган, хотин-қизлар қул-чўри бўлиб сотилган бир даврда, Алишернинг хотин-қизларга бўлган бу қарашлари гоят прогрессив бир ҳодиса, унинг буюк гуманист эканини кўрсатадиган бир ҳолат.

Ҳар ишда ақл ва билимни илгари сурган Навоий, ўз асарларида илм ва ма'рифатнинг ташвиқотчиси бўлиб ўртага чиқади.

Навоий ўз асарларида жоҳилликни, нодонликни қоралайди.

Навоий ўз асарларида алдоқчи руҳонийларни, йиртқич амалдорларни, золим шоҳларни қаттиқ фош қилади.

Навоий ўзининг „Маҳбубул-қулуб“ ида ярамас амалдорлар, вазирлар ҳақида тубандаги сўзларни айтади:

„... бу золимлар мулкни барбод бергучилардур ва мулк аҳли йиғиштирганларини битиручилардур... Заҳар бериб касал ўлдиручи табиб буларга насиб бўлсин... Булар жумласи чаёнлар, халойиққа еткурур зиёнлар...“

Навоий бир ше’рида, ёмон шоҳлар тўғрисида, улар жаҳоннинг бойлигини ўраб оғизларидан ўт сочиб ётган аждаҳодир, уларнинг қўлидан овқат ейиш аждаҳонинг оғзидан овқат ейиш блан баробардир, дейди.

Навоий ўз асарларида адолат, ҳаққоният байроғини юқори кўтаради. Навоий кишиларни адолатга, муруватга, дўстликка чақиради.

Навоий ўз асарларида юксак ва олижаноб бир севги ҳақида куйлайди. Навоий куйлаган севги соф, чин, кишиларни юксалишга, ижодга, қаҳрамонликка, чидам ва ғайратга чақирадиган севги. Девларни забт этган, аждаҳоларни енгган, тилсимлар очган, ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатган Фарҳодни Фарҳод қилган шу севги.

Навоий ўз асарларида халқ, ватан севгиси блан ёнади. Аммо у шу блан бирга бошқа халқларни ҳам севади ва ҳурмат қилади. Шунинг учун ҳам унинг асарларида жуда кўп халқларнинг намояндалари иштирок қилади. Навоий яратган қаҳрамонлардан Фарҳод — хитой, Ширин — армани қизи, Шопур — эронли, Фаррух — ҳинд, Искандар — грек ва ҳоказо. Навоий бу қаҳрамонларни худди ўз халқининг фарзандлари сингари севади ва бутун юрагини бериб, бутун меҳрини қўйиб, шу образларни яратган. Унда тор бир миллий қобиққа ўралиб қолиш йўқ. Унинг қаҳрамонлари ҳархил халқнинг намояндалари бўлишларига қарамай, оғир жунларда бир-бирларига ёрдам берадилар, хитой — Фарҳод, армани — Шириннинг мамлакатини ташқи ёвдан сақлаш учун курашади. Эронли Шопур, Фарҳод оғир вазиятда қолганида унга ёрдам беради.

Навоийнинг асарлари ўз даврининг энциклопедияси. У асарларида, ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти тарафи-

дан майдонга қўйилган, деярлик, ҳамма масалалар тўғрисида ўз фикрини айтиб ўтади. У, қўзғатмаган масала кам. Даврининг энг илғор ва олижаноб идеялари унинг асарларида энг юксак ифодасини топган.

Шубҳасиз, Навоий ўзининг буюк ишларини амалга оширишда, ўз идеалларини илгари суришда қаттиқ қаршиликларга учради. Сарой реакцияси доим унга қарши курашди ва унинг буюк ишларига мони' бўлиб келди.

Навоий давлат ишларига кўтарилиши бланоқ, сарой фитнаси уни ўраб олади. Унинг хатти ҳаракатларига тўсқинлик қилади, буларнинг натижасида Алишер муҳрдорлик вазифасидан воз кечишга мажбур бўлади.

Аммо узоқ вақт ўтмай, шоҳнинг қаттиқ илтимосига кўра 1472 йил февраль ойида вазирлик мансабини қабул қилади. Ҳарқандай оғирликларга қарамай, 1476 йилга қадар шу вазифада ишлаб келади. Лекин у, ўзига қарши уюштирилган иғволар, тухматларга чидамай, сарой ва унинг фисқу-фасодлари, жабру-зулмларига нафрат сифатида, 1476 йили вазирлик вазифасидан кетади. 13 йил давомида расмий давлат ишларига аралашмайди.

Навоийнинг душманларидан бўлган вазир Маждиддин бошлиқ сарой фитначилари турли бўҳтонлар ва иғволар орқасида, 1487 йил Навоийни Ҳиротдан Астрободга сургун қилдиришга муваффақ бўладилар. 1488 йили Астрободда фитначилар Алишернинг ҳаётига қасд қиладилар, ошпаз орқали унинг овқатига заҳар солиб, уни заҳарламоқчи бўладилар. Аммо Алишер буни сезиб қолади.

Алишер Астрободдан Ҳиротга қайтгач ҳам тинч яшай олмайди. Янгидан-янги бўҳтон, иғволар унинг тинкасини қуритади, оғир турмуш, кўп иш натижасида унинг сиҳати ожизланади ва у 1501 йил 12 январьда вафот этади.

\*

Душманлар, сарой реакцияси қанча уринмасин, аммо Алишер ўз мақсадларидан қайтмади, у халқ учун, мамлакат учун умри тугагунча ишлади. Чунки у халққа хиз-

матни севар эди. Чунки у, халқнинг ғамини емаган одамни одам ҳисобламас эди. У:

„Одами эрсанг демагил одами —  
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами“.

деди ва ўзи, ўзининг бу буюк шиорига биринчи бўлиб амал қилди. Шунинг учун ҳам халқ ўз шоирини севади ва ҳурмат қилади.

Совет халқлари, 1941 йилнинг кузида ўзбек халқининг буюк фарзанди Алишер Навоийнинг туғилишига 500 йил тўлиши муносабати блан унинг юбилейини ўтказмоққа тайёрланмоқда эдилар. Аммо немис босқинчиларининг ватанимизга қилган хиёнаткорона ҳужуми орқасида бу улуг тўй вақтинча тўхтаб қолди. Лекин қабих фашизм устидан қат'ий ғалаба қозониладиган шонли чоғ яқин. Буюк Сталиннинг раҳбарлигида душман устидан ғалаба қозонамиз. Шунда улуг шоирнинг тўйини совет халқлари буюк тантана блан ўтказади.